**Ушбу сонда:**

2 САЙЛОВ ҚОНУНЛАРИ АМАЛДА

3 НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

4 *Маънавий бойлигимиз* ЧОРБАКР ЗИЁРАТГОҲИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 23 ноябр, сешанба № 166 (813)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ТЕНГЛИК АСОСИДА

*Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Олмазор» маҳалласи Маданий-маърифий марказида 20-Шайхонтоҳур сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар билан сайловчилар учрашуви бўлиб ўтди. Унда сайловлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ депутатликка номзодларнинг ўз сайловолди дастурини баён этиши, ишончли вакилларнинг чиқишлари учун тенг шароит яратилди. Сайловчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.*

(ЎзА)

## *Сарҳисоб*

**Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмасининг қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда ишчанлик, танқид ва ўз-ўзини танқид, камчиликларга нисбатан муросасизлик руҳи ҳукм сурди.**

Маърузачи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар туб ислоҳотлар ўтказишда изчилликни таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига даромадларни кўпайтириш ва ижтимоий ҳимояга негиз яратиш тўғрисида таклиф-мулоҳазалар билдирдилар.

Қурултойда сўзга чиққан Андижон вилояти касаба уюшма қўмиталари раислари кенгаши раиси Б.Қурбонов, Ўзбекистон ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмали металлар комбинати касаба уюшмаси қўмитаси раиси А.Увраимов, «Тошкент трактор заводи» Давлат акционерлик жамияти иқтисодчиси Р.Юсупова, «Наманганавтотеххизмат»нинг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича муҳандиси С.Юсупов, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акционерлик жамияти бошқарувининг раиси В.Кучеров ва бошқалар касаба уюшмаларининг жамиятдаги роли ва ўрнини мустаҳкамлаш, шерикчилик тамойиллари асосида ҳамкорлик қилиш, янги иш жойлари яратиш, иш ҳақини доимий ошириб бориш ва ўз вақтида тўланишига эришиш, меҳнат ва меҳнат муҳофазасига оид қонунчиликка риоя этилиши бўйича иш берувчиларнинг масъулиятини ошириш, маданият ва спорт муассасалари моддий-техник базасини яхшилаш, бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар касаба уюшмалари билан ҳамкорликни ривожлантириш хусусида алоҳида тўхталдилар.

Қурултойда ташкилий пленум бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг раиси этиб Ш.Одилов сайланди.

**Ўзбекистон енгил, мебел ва коммунал - маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси қурултойида сўзга чиққан нотиқлар бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий ҳимоя қилишда қўлга киритилаётган ютуқлар, ечимини кутаётган муаммолар ва истиқболда амалга ошириладиган кенг қамровли ишлар юзасидан ўз муносабатларини билдирдилар, таклиф, мулоҳазаларини ошкора айтдилар.**

Иштирокчилар фуқароларни иш билан таъминлаш мақсадида янгитдан барпо этилган иш ўринлари, кадрларни жой-жойига қўйиш, жамоа шартномаларидаги мажбуриятларнинг бажарилиши ва бошқа масалалар хусусида қониқиш билан гапирдилар. Шунингдек, улар касаба уюшма фаолларининг ҳуқуқий, иқтисодий билимлари талаб даражасида эмаслиги, аъзолар ўртасида маънавият, маърифат ва спорт соҳаларида имкониятлар тўла ишга солинмагани, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича амалга оширилаётган ишларга, бир қатор корхоналарда ишчилар ўз вақтида иш ҳақи билан таъминланмаётганига принципиал баҳо бердилар.

Қурултой қабул қилган қарорда юқоридаги сингари камчиликлар ва муаммоларни бартараф этишга хизмат қиладиган аниқ йўл-йўриқлар, тавсиялар, истиқболдаги режалар ўз аксини топган.

Шу куни ташкилий пленум бўлиб ўтди. Марказий Қўмитанинг янги таркиби кўриб чиқилди. Пленумда М.Одилова Ўзбекистон енгил, мебел ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг раиси этиб сайланди.

# ҲАҚ ИШНИ ХАЛҚ ҚЎЛЛАР

**Ҳисобот даври йилларида босиб ўтилган йўл изсиз кетмадими, нималар чуқур ўрганилди, орттирилган билим - тажрибалар қайси жабҳаларда кўпроқ асқотди? Имкониятлар тўлалигича ишга солинмаган касаба уюшма ташкилотларида бундан қандай хулосалар чиқарилди, XXI аср қанақа ташаббуслар, ўзгаришлар, янгиланишлар ва қандай меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олинади? Турмуш тарзимиз, ҳаётимизни қайси ижтимоий омиллар ҳисобига гўзал ва фаровонлаштириш мумкин. Серқирра фаолиятда рўй берган айрим камчилик - қусурлардан қутулиш йўллари борми? Мухбиримиз Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Озода МУҲИТДИНОВАга ана шундай саволлар билан мурожаат этди.**



-, Бугун қурултойимиз иштирокчилари эътиборига ҳавола этиладиган маърузамиз мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, саволларингизга батафсил жавоб бериши мумкин, деб ўйлайман. Зотан, жамиятимиз барча қатламларини қамраб олган ислоҳотлар талаблари касаба уюшмалари фаолиятига ҳаётий зарур тузатишлар киритишни тақозо этади. Бундай янгиланишсиз ҳуқуқий демократик давлат сари интилаётган мамлакатимиз тараққиётига сезиларли улуш қўшиш мушкул.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўтган йилнинг 10 ноябридан амал қила бошлаган республикада Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат Дастури фаолиятимизнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Биз ана шу Дастур талабларига биноан аҳоли соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, келажак авлодни тарбиялаш учун энг зарур шарт-шароитларни яратиш, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш, нодавлат секторини, яъни хусусий шифокорлик амалиётини ривожлантиришнинг янада мақбул шаклларини излаб топиш борасида муайян ишларни амалга оширдик. Ходимлар малакасини ўстириш, янги тиббиёт масканларини ва айни пайтда иш ўринларини барпо этиш, қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда асосий эътибор ишловчиларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ҳимоясига доир ишларни кучайтиришга қаратилди.

Эндиликда соғломлаштириш -- касалликларнинг олдини олиш тадбирлари соҳамизнинг устувор йўналишларидан бирига айланганини мамнуният билан айтиш мумкин. Мақсадга умумий амалиёт ҳакимларининг ролини янада кучайтириш орқали эришилишини ҳам биламиз. Шунга кўра Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошида умумамалиёт шифокорларини тайёрлаш маркази, 1-сон Тошкент Давлат тиббиёт институтида эса олий малакали ҳамширалар тайёрланадиган махсус бўлим очилди.

Янгиланишлар даври олдимизга бир-биридан долзарб вазифаларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳар йили тузиладиган Битимлар ана шундай масалаларни ўз ичига олганлиги билан муҳимдир. Улардан бири -- ходимлар меҳнатига яраша ҳақ тўлашдир. Бу масала юзасидан ҳукумат идораларига аниқ таклифлар билан чиқилди. Шундай қилиб, ходимларимизга ўз вақтида иш ҳақлари тўланиши, моддий рағбатлантириш, икки ёшгача фарзандлари бўлган аёллар учун нафақа фондини ажратиш, рентгенда ишловчи хотин-қизлар даромадларидан 20 фоизли имтиёзли солиқ ундириш каби масалалар ижобий ҳал этилди.

1995 йилда тиббиёт муассасаларида ишловчи ходимларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида йиллик, ойлик маош фондига нисбатан 15 фоизли махсус рағбатлантириш фонди тузилиши тўғрисида Фармон қабул қилинган эди. Хўш, ушбу Фармон жойларда қандай бажарилмоқда? Шуни айтиш керакки, Бухоро, Навоий вилоятларида унинг ижросини таъминлашга катта аҳамият берилди. Бироқ Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида эса махсус фонд бошқармалар сметасига киритилмагани кишида ташвиш уйғотади. Қишлоқ жойларда яшаб, ишлаётган тиббиёт ходимларига коммунал тўловларда имтиёз берилган бўлса-да, у суст амалга оширилмоқда.

Ишловчилар меҳнатини муҳофаза қилиш, уларга хавфсиз иш шароитлари яратиб бериш масалалари ҳам кун тартибидан тушмади. Бироқ, шунга қарамасдан, 29 та бахтсиз ҳодиса рўй бериб, у бир неча ходимнинг умрига зомин бўлди. Иш жойида шикастланганлик учун тегишли қонунда белгиланганидек улар оиласига товон ва нафақа пуллари тўлашдан бош тортиш ҳолларига ҳам дуч келинди. Марказий қўмита аралашуви билан ҳақ жойида қарор топди.

Яна бир муаммо хусусида гапирмасликнинг иложи йўқ. Соғлиқни сақлаш бошқармалари, ташкилот ва муассасаларда юристларнинг мавжуд эмаслиги баъзан тармоқ ходимлари ҳуқуқларининг поймол этилишига сабаб бўлаётир. Жумладан, маъмурият раҳбарлари айби билан нотўғри ишдан бўшатиш ҳоллари аниқланиб, касаба уюшмалари аралашгач 12 нафар ходим ўз вазифасига тикланди ва мажбуран бекор юрган вақти учун ҳақлари ундириб берилди.

Ҳисобот даврида ходимлардан 1761 та оғзаки ва 155 та ёзма ариза-шикоятлар тушгани қайд этилган бўлиб, улар асосан ижобий ҳал қилинди.

Йўлбошчимиз қайта-қайта айтганларидек, «Биз маънавий соҳани йўлга қўйиб олмагунимизча, иқтисодий ютуқларга эришишимиз қийин бўлади». Ана шу мантиқдан келиб чиқиб, касаба уюшмаларида маданият, маънавият, маърифат масалаларига, умумбашарий ва миллий қадриятларни уйғунлаштириш, ватанпарварлик туйғуларини камол топтиришга муҳим вазифалардан бири сифатида қаралди. Бу ўз самараларини бераётир. Фуқароларнинг маънавияти, тафаккуридаги чуқур ўзгаришлар, ислоҳотларга хайрихоҳликлари бу - катта ютуғимиздир.

Тезкор давримиз дунё миқёсларига чиқиб иш кўришни, жаҳондаги энг яхши тажрибаларни ўзлаштиришни тақозо этаётир. Биз айни пайтда Туркия, Миср, Қувайт мамлакатларидаги ҳамкасбларимиз билан икки томонлама манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаяпмиз. Истиқболда бу алоқалар ўз меваларини берса ажаб эмас.

## *«Ишонч»га жавоб берадилар*

## «КУТУБХОНАГА ЭЪТИБОР ШУМИ?»

Газетамизнинг шу йил 12 октябр сонида «Кутубхонага эътибор шуми?» сарлавҳали мақола босилган эди. Унда Жиззах тиббиёт билим юрти кутубхонасига 1999 йил 1 июлидан бошлаб бирорта даврий нашр келмай қўйганлиги, натижада 2000 нафар талаба, 150 ўқитувчининг вақтли нашрлар билан танишиш имконияти чекланганлиги танқид остига олинган эди. Вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Э.Ўриновнинг бизга маълум қилишича, мақолада кўтарилган камчиликлар юзасидан Жиззах тиббиёт билим юрти маъмурияти тегишли чора-тадбирлар белгилади. Жумладан, кутубхонанинг китоб сақлаш хонаси, ўқув хоналари жорий таъмирдан чиқарилиб, «Жиззах иссиқлик манбаи» ташкилоти билан билим юрти хоналарини қиш мавсумида иситиш масаласи бўйича шартнома тузилди. Тақчил китобларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида «Ўқитувчи» нашриётига 290 минг сўм пул ўтказилди ва кутубхона фондига етишмаётган «Рус тили» дарслигидан 150 нусха, «Ибн Сино» нашриётидан 30 минг сўмга яқин тиббий соҳага оид китоблар олиб келинди. Шунингдек, Жиззах вилояти кутубхонасидан 18 турдаги бадиий адабиётлар келтирилди.

Жиззах тиббиёт билим юрти маъмурияти 2000-йил учун 200 минг сўмлик 30 номдаги газета ва журналларга обуна учун маблағ ажратди. Кутубхона фаолиятини яхшилаш борасида белгиланган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш билим юрти раҳбари ўринбосари М.Жўрабоев зиммасига юклатилди.

## ДЕМОКРАТИЯ СИНОВИ

Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар ҳақиқатан ҳам демократия синови бўлади. Урганч шаҳрида Марказий сайлов комиссияси ташаббуси билан уюштирилган семинар-кенгаш бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишнинг айрим ўзига хос жиҳатларига бағишланди. Унда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги мамлакатнинг олий қонунчилик органи ва маҳаллий ҳокимлик органларига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари раислари ва аъзолари қатнашди.

Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари А.Дўсчонов бошчилигида ўтган мазкур семинар-кенгашда сайлов ҳақидаги қонунчилик томонидан сайлов комиссиялари аъзоларига берилган барча ҳуқуқ ва ваколатлардан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун сайловларга тайёргарликни фаоллаштириш, депутатликка номзодларнинг барчасига тенг шарт-шароит яратиш керак. Шунингдек, семинарда шу ҳол қайд этилдики, ўз номзодларини кўрсатган айрим сиёсий партиялар сайлов округларида ўз кузатувчиларини қонунда кўзда тутилган рўйхатдан ўтиш муддатини қўлдан бой берди.

Семинар иштирокчилари Марказий сайлов комиссияси ва Давлат тест маркази томонидан тайёрланган «Сайловлар ҳақидаги қонунларни биласизми?» деб номланган тест синовида иштирок этди. Натижалар шундан далолат бермоқдаки, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида сайловларга тайёргарлик мустаҳкам ҳуқуқий асосга таянган ҳолда олиб борилмоқда, округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари сайловчиларнинг эркин, адолатли ва демократик асосда овоз бериши учун барча шарт-шароитларни яратишга қодир.

## *«Ишонч» бонг уради*

# ЎЗ УМРИГА ЗОМИН БАНГИФУРУШЛАР

**Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимизнинг осойишта турмуш тарзини таъминлаб, уларнинг тинч ва хотиржам меҳнат қилишлари учун шарт-шароит яратишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг ҳам хизмати каттадир.**

Улар турли кўринишдаги жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш борасида самарали ишлар олиб боришмоқда. Натижада ўтган давр мобайнида жиноят қидирув йўналиши бўйича оғир жиноятлардан - қотиллик, тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, талончилик, автомобилларни ўғирлаш каби жиноятларнинг камайишига эришилди. Қатор уюшган жиноий гуруҳлар фаолиятига чек қўйилди. Ноқонуний равишда сақланаётган қурол яроғлар, ўқ-дорилар тортиб олинди.

Афсуски, янги асрга XX асрдан инсоният учун кўп яхши нарсалар қатори айрим ёмон иллатлар ҳам ўтиши мумкин. Булардан бири бедаво дард сифатида баҳоланаётган «Спид» касаллиги бўлса, иккинчиси ундан деярли фарқ қилмайдиган гиёҳвандлик балосидир.

Йил бошидан буён гиёҳванд моддалар билан боғлиқ 7179та жиноий ҳолат аниқланди. Жиноятчилардан 750 килограммга яқин оғу тортиб олинди. Унинг 107 килога яқинини героин, 274 килограммдан ортиғини қорадори, 104 килограммга яқинини гашиш ва 240 килодан ортиғини марихуана каби кучли таъсир этувчи моддалар ташкил этади.

Яқинда сурхондарёлик ички ишлар ходимлари 75 килограммдан зиёд гиёҳванд моддасини сотишга уринган жиноятчиларнинг кирдикорларини фош этишди. Жарқўрғон туманидаги Тўхта Шобуров номли жамоа хўжалигининг Қўштепа участкасида тожикистонлик 4 нафар фуқаро - Йўлчи Жўраев, Тойир Дурдиев, Рўзимурод Гойимов ва Жума Турсуновлар шу туманда яшовчи Ашурали Умарқуловга 6 килограмм 156 грамм гиёҳванд моддасини 4 минг АҚШ долларига сотишаётган пайтида қўлга олиндилар.

Вилоятнинг Сариосиё туманида милиция ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида Деҳқонобод қишлоғида яшовчи Фахриддин Тожиддинов тожикистонлик икки номаълум шахсдан 11 кило 750 грамм опий ва 2 килограмм героинни 15 минг АҚШ долларига сотиб олаётганида ушланди.

Қўлга олинган Фахриддин Тожиддинов ва Зафар Шодмоновларнинг кўрсатмасига асосан қўшни ҳовлида яшовчи фуқаро Давлатбиби Исаеванинг молхонасига 42,5 килограммга яқин ва шу молхона тепасидаги сомон орасига 19 килограмм 200 грамм гиёҳванд моддалари яширилганлиги аниқланди.

Бу мисоллардан кўринадики, Сурхондарё вилоятида яшовчи айрим кимсалар Тожикистон фуқаролари томонидан келтирилган гиёҳванд моддаларни олиб, устига нарх қўйиб сотишга, яъни воситачилик қилиб мўмай пул орттиришга уринмоқда. Бўлмаса, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар ходимлари томонидан Тўрткўл туманида олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида Сариосиё туманида яшовчи А.Ҳакимов бошқарувидаги Нексия русумли давлат белгиси 10 к 88 38 бўлган машина тўхтатиб текширилганда, ундаги йўловчи тожикистонлик Насилло Азимовнинг ёнидан 8,5 килога яқин героин топиб олинишини қандай баҳолаш мумкин?

Шунингдек, Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси Жиноят қидирув бўлими ходимлари томонидан Ургут туманида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида нафақахўр, ушбу туманнинг «Ғиждувон» жамоа хўжалигида яшовчи Қаҳрамон Юсупов ўз уйида 1 килограмм героин гиёҳванд моддасини ва 4 килограммга яқин қорадорини 4 миллион 500 минг сўмга сотаётганида қўлга олинди.

Шу туманнинг Ровот қишлоғида яшовчи Ғ.Нурмуҳамедов ва Ургут шаҳрида яшовчи Х.Лутфуллаевлар ҳам талабалар хиёбонидаги Пушкин номли кутубхона олдида 468 грамм героинни 4 минг 900 АҚШ долларига сотаётганида ушландилар.

Сурхондарё вилоятининг Узун туманида ўтказилаётган тадбирлар пайтида гиёҳванд моддаси олди-соттиси билан боғлиқ жиноятни содир этган Ж.Пирназаров номли жамоа хўжалигида яшовчи Зайниддин Мелибоев, термизлик Нортожи Омонов ва Тожикистон Республикаси фуқароси Абдуғаффор Бобожоновлар 810 грамм героин гиёҳванд моддасини 6 минг АҚШ долларига пуллаётганларида қопқонга тушди. Денов шаҳри ҳудудида Узун тумани Б.Омонов номли жамоа хўжалигида яшовчи Алишер Хидиров, шу туманнинг Бобоտоғ қишлоғида яшовчи Мулло Нуралиевлар 1 килодан зиёд героин гиёҳванд моддасини 4800 АҚШ долларига сотаётганларида ушланиши вилоят чегарасида гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг бирмунча кўпроқ содир этилаётганидан дарак беради.

Ачинарлиси шундаки, мазкур турдаги моддаларни ташишда аёллар «меҳнати»дан фойдаланишга уринишмоқда. Термиз шаҳрида яшовчи Чаман Хўжаева жиноятчи шериклари билан 4 килограммга яқин гиёҳванд моддасини 1400 АҚШ долларига сотаётганда қўлга олинди. 50 ёшдан ошган, беш фарзанднинг онаси Ч.Хўжаева Термиз шаҳрида ва Тожикистон Республикасида яшовчи жиноий шериклари Абдурафиқ ва Акбар Бўтаевлар билан бирга ушбу гиёҳванд моддани сотишдан олдин ўз фарзандлари тақдирини ўйламагани кишини ташвишга солади.

Ҳуллас, пул деса ҳар қандай тўсиқларни ҳам писанд қилмайдиган баъзи кимсаларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари боис, гиёҳванд моддаларини сотиш, сақлаш ҳоллари содир бўлмоқда. Гиёҳванд моддаларни темир йўллар орқали ташишга уринаётганлар ҳам анчагина. Яқинда «Душанбе - Волгоград» поездининг 12-вагонида кетаётган йўловчи - тожикистонлик М.Акбаров бирдан ҳушидан кетгани туфайли зудлик билан касалхонага олиб борилди. Лекин шифокорларнинг уриниши бекор кетди. Кўп миқдорда гиёҳванд моддани ютиб олган ва шу йўл билан уни Волгоградга етказмоқчи бўлган Акбаров касалхонада дунёдан кўз юмди. Мутахассислар унинг ошқозонидан целлофан халтачаларга ўралган 176 грамм миқдорида героин моддасини олдилар.

Мазкур 259-сонли «Душанбе - Волгоград» поездининг 4-вагонида кета туриб, тўсатдан ҳушидан кетган йўловчи тожикистонлик М.Алимардонов ҳам ўзига келмасдан вафот этди.

Марҳум нима сабабдан ўлганини билиш учун тиббий экспертизадан ўтказилди. Шунда унинг ошқозони ва ичакларидан 31 дона капсула ичига жойлашган героин гиёҳванд моддаси чиқди. Маълум бўлишича, шулардан айримлари ошқозонда ёрилиб кетган. Натижада ҳали 40 ёшга ҳам тўлмаган Алимардонов ҳаётдан кўз юмди.

Ҳуллас, бировларни заҳарламоқ ниятида «заҳар» ютиб йўлга отланган бу кимсалар қисмати аччиқ сабоқдир.

**Шуҳрат ҲУББИМ ТОШ.**

